# ЗАРАФШОННИНГ ЗАР ЁҒДУСИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Заводнинг шундан кейинги иқтисодий кўрсаткичлари олдида лол қоласиз. Маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги уч баравар ўсди. Олдинги йили экспорт заводга 6,5 миллион АҚШ доллари миқдорида фойда келтирган бўлса, бултур бу кўрсаткич яна шунчага ошди. Жорий йилнинг биринчи чорагида 1 миллиард 554 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг 90 фоизи экспорт қилинди. Соф фойда эса 90 миллион сўмга тўғри келди. Кўриниб турибдики, хомашёнигина эмас, соф олтинни қайта ишлаш ҳам қанчалик фойда бераркан.

Буларнинг барчаси корхона Италия, Канада, АҚШ, Англия, Германия, Россия, Украина давлатларининг замонавий технологиялари асосида жиҳозланганлиги, металлни ўтда тоблаш цехлари янгиланганлиги, ишчи ва мутахассисларнинг малакаси, тажрибаси анча ошганлигидан далолатдир. Ўнлаб мутахассисларнинг АҚШ, Швейцария, Россия, Украина давлатларида тажриба ўрганиб келганлиги ўз самарасини берди дейиш мумкин. Проба палатаси марказида ҳар бир маҳсулот кўздан кечирилиб, унга тамға босилади. Дарвоқе, ушбу палата вакиллари бир неча йилдирки, Халқаро проба палатаси ассоциациялари жамияти фаолиятида фаол иштирок этаяпти. Қўйингки, корхона ўз олдига қўйилган вазифа — дастлаб республика ички бозорини харидоргир ва нисбатан арзон тайёр маҳсулот билан таъминлаб, кейин жаҳон бозорига чиқиш масаласини босқичма-босқич ҳал этди.

Жамоада ишлаб чиқариш жараёни омбордан бошланади ва шу ерда якун топади. Маълум миқдордаги олтин эритиш ва қуюв цехига юборилади, миқдорий даражаси белгиланган ўлчамга туширилади. Шундан сўнг эритилиб, металл ўзаклар қўйилади. Нисбатан йўғонроқ ўзаклар навбатдаги цехда нафис олтин симларга, улар эса кўзни қамаштирувчи бежирим занжирли ҳалқаларга айланади. Замонавий технологияларда ноёб металлга исталган усулда сайқал бериладеради. Бу жараён пайвандлаш цехида ниҳоясига етади. Қарабсизки, чинакам санъат асарлари кўз олдимизда намоён бўлади. Тайёр маҳсулот омборда 2-3 кундан ортиқ туриб қолмайди. Республикамизнинг 20 дан ортиқ шаҳарларидаги махсус фирма дўконлари ва заргарлик буюмларини таъмирлаш устахонларига, хорижлик талабгорларга пешма-пеш жўнатилаверади.

— Маҳсулотларимиз тури 500 хилдан ошди, — дейди завод директори Николай Егорович Бистровский. — Буюртмалар жуда кўп. Мен буни олтиннинг харидоргирлигидан эмас, балки маҳсулотнинг жозибадорлиги ва бежиримлилигидан, деб биламан. Ўзимизнинг хомашёни ўзимиз тайёр ҳолга келтириб, ички ва ташқи бозорга чиқаришимиз иқтисодийислоҳотлар самарасидир. Талаб ва истаклар асосида уларнинг турларини такомиллаштираяпмиз. Қаранг-а, Зарафшондан чиқаётган ёғду ер юзи бўйлаб таралмоқда. Юртимиз хазинаси бойияпти. У эса Ўзбекистон равнақи, халқимиз фаровонлигига хизмат қилаверади.

Чиндан ҳам шундай. Олтинимиз ўзимизники, шу боис ўзимизга хизмат қилаверади. Ундан тайёрланган зеб-зийнатлар эса юртимиз салоҳиятини кўз-кўз қилиб турибди. 1998 йилда Мехикода бўлиб ўтган Бутунжаҳон кўргазмасида ана шу зар буюмлар сифат сертификатини олди. Москва, Ереван шаҳарларида ўтказилган кўргазмаларда биринчи даражали дипломлар билан тақдирланди.

Зарафшон заргарлик буюмлари заводида тайёрланаётган нафис тилла тақинчоқлар, бежирим никоҳ узуклар, сержило совғабоп буюмлар ер юзини забт этди. Биламизки республикамизда бундай корхоналар кўп. Улар сони кун сайин ошаётганлиги янада қувончли.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Армиянинг таянчлари

## сержантлар мактабида тайёрланади

Самарқанддаги Сержантлар тайёрлаш мактаби раҳбари, ҳарбий қисм командири полковник Самад Салиҳовни бир гуруҳ зобитлар билан суҳбатлашиб турган чоғда учратдик.

– Қурилиш-монтаж, ободонлаштириш ишлари ҳақида гаплашаётгандик, – деди у мақсадимизни англагач. Яқин йилларда бундай кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари бажарилмаганди. Мактабимизга вилоят ҳокимлиги катта эътибор қаратди. Ана шу эътибор туфайли маблағдан қийналмадик.

**Мардлар қўриқлайди Ватанни**

Мактаб моддий-техника базасининг давр талаблари даражасида бўлиши командир таъкидлаганидек, жанговар ҳарбийлар етказиб берилишида муҳим аҳамиятга эга. Аммо ҳозирга қадар бу борадаги шароитларни етарли деб бўлмасди. Сабаби, ётоқхоналарда ҳар бир хонага 15-20 курсантнинг жойлаштирилгани, ҳамма мутахассислар бўйича алоҳида кабинетлар бўлса-да, уларда замонавий махсус жиҳозларнинг етишмаслиги эзгу мақсадлар олдидаги катта ғов эди.

– Президентимизнинг Намангандаги сержантлар мактаби курсантлари яшаш тарзи билан танишганлари, уларнинг шароитини янада яхшилаш зарурлигини айтганларидан ниҳоятда хурсанд бўлгандик, – дейди тарбиявий ишлар бўлими катта зобити, подполковник Абдусамад Бозоров. – Ана шундай ғамхўрликни биз вилоят ҳокимлигининг эътибори ва яқиндан бераётган ёрдами туфайли амалга оширилаётган кенг жабҳадаги қурилиш ишлари мисолида кўриб турибмиз. Жумладан, тажриба сифатида 105 ўринли бинода бутунлай янгича лойиҳа асосида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти.

Бундай эзгу ҳаракатлар натижасида 15-20 кишилик умумий ётоқхоналар ўрнида алоҳида ҳаммом ва дам олиш хоналари бўлган ҳар бири 3-4 кишига мўлжалланган шинам хоналар бунёд этилаяпти. Уларни жиҳозлаш ҳам замонавий талаблар даражасида амалга оширилади. Ҳар бир хонага телевизор, совуткич қўйилади. Қаватлардаги умумий дам олиш хоналарини эса кичик кинотеатр ва видеоиккилик билан жиҳозлаш кўзда тутилаяпти.

Ҳовлидаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларидан ҳам кўнгил тўлади. Янги гулзорлар, кўм-кўк майдончалар ҳар қандай киши қалбига завқ бағишлайди. Ёритиш ускуналари бутунлай янгиланаяпти.

Ана шундай ишларнинг бошида турган вилоят ҳокимлигининг курсантлар учун 22 миллион сўмлик замонавий русумдаги компьютерлардан иборат компьютер хонаси ташкил этиб бериши янада қувончлидир.

– Бу даражадаги ғамхўрлик ва юксак эътиборга жавобан йигитларимиз қасамёдларига содиқ қолиб, Ватанимизга муносиб хизмат қиладилар, армиямизнинг асосий таянчига айланадилар, – дейди мамнун ҳолда ўқув ишлари бўлимининг катта зобити майор Толибжон Мансуров.

– Аслида Ватанни қўриқлашдан, унинг сарҳадлари осойишталигини таъминлашдан масъулиятлироқ бурч борми? Йигитларимиз зиммаларига ана шундай шарафли вазифа юклангани дилдан ҳис этадилар. Буни уларнинг дарс жараёнидаги билимдонликлари, спорт мусобақаларидаги фаоллиги, дала машғулотларидаги эпчиллигу чаққонликларидан ҳам сезиш мумкин.

Хоналарнинг бирида йирик ҳарфларда битилган мактабнинг 2002-2003 ўқув йили шиорига нигоҳ ташлаймиз:

«Ватанни, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилиш, ватанпарвар бўлиш, касбий маҳоратни изчил такомиллаштириш, қонунлар ҳамда умумҳарбий низомлар талабларига қатъий риоя этиш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи ва мажбурияти».

Дарвоқе, бурч ва мажбурият англанган, унга амал қилинган жойда ҳамиша мақсадга эришилади. Халқ тинч, осойишта, фаровон ҳаёт кечиради.

Самарқанд Сержантлар тайёрлаш мактабида ҳам бугун ана шундай руҳ сезилади. Мактаб ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларнинг энг жасурларини, довюракларини беш ой давомида тарбиялаб тегишли ҳарбий қисмларга йўлламоқда. Бу мактаб кадрлари айни пайтда Ватанимизнинг турли сарҳадларида – бири чегарада, яна бири ички қўшинларда, бошқаси танкчилару, ҳаво ҳужумидан мудофаа ва яна қанчадан-қанча соҳаларда хизматларини давом эттиришмоқда.

Ана шундай мактабнинг бугун янада кўркамлашаётгани, бўлажак сержантлар учун барча шароитларнинг яратилаётгани, қишки спорт залию, замонавий клуб қурилишига ҳам киришилгани Ватан ҳимоячилари яшаш тарзига мамлакатимизда қанчалик эътибор қаратилаётганидан дарак, албатта.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Хабарлар оқимидан**

## Қонун амалиётига бағишланди

**Янги таҳрирдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ўтган ойдан бошлаб кучга кирди. У мулк шаклидан қатъий назар барча корхоналар фаолиятини изга солишга ёрдамлашиши билан бирга, хўжалик судлари зиммасига янада масъулиятли вазифалар юклади. Эндиликда Қонун талаблари пухта ўрганилиши, тезлик билан амалиётга жорий этилиш зарур.**

**Навоий вилояти ҳокимлигида Бухоро, Самарқанд ва ушбу вилоят хўжалик судлари судялари, иқтисодий ночор корхоналар бошқармалари мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган минтақавий семинар-кенгашда шу ҳақда фикр юритилди. Тарихий ҳужжатнинг моҳияти, банкротлик бўйича ишларни қўзғатиш, судда кўриб чиқиш, кузатув, ташқи бошқарув тамойилларини қўллаш, тугатиш жараёнини ўтказиш тартиби ва бошқа ҳолатларга оид маърузалар тингланди. Қонунда давр тақозоси билан вужудга келган қатор муаммолар ечими тартиби белгиланиб қўйилганлиги алоҳида таъкидланди. Уни амалда қўллашга оид тегишли тавсиялар берилди.**

**Севара ЖУМАБОЕВА.**

## Тадбиркорлар кўпаймоқда

**Ўтган беш ой ичида Вобкент туманида кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони аввалги йилга қараганда ўттизтага ошди.**

**Бу ўз ишларини бошлаётган тадбиркорларга банкларнинг имтиёзли кредитлар бериб қўллаб-қувватлаши шарофатидандир.**

**Банк кредитлари ҳисобига кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўз ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтирмоқда.**

## Ҳам кўргазма, ҳам шартнома

**Намангандаги халқ истеъмол моллари марказида спорт либослари кўргазмали савдоси иш бошлади. Унда иштирок этган «Ўзенгилсаноат» акциядорлик компаниясининг 21 корхонаси 715 турдаги спорт кийимлари ва анжомларини харидорларга ҳавола этди.**

**Кўргазмали савдога ташриф буюрганлар кўпроқ Наманган туманидаги «Бахт» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилган бокс қўлқоплари, Қашқадарёнинг «Санам» акциядорлик жамиятида тикилган каратэчилар кимоноси, Самарқанддаги «Бофанда» фирмаси тавсия этган етти турдаги спорт либосларини сотиб олиш учун шартномалар тузишди.**

**Қ.НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БЕКОРЧИДАН ЭЛ БЕЗОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

тутаётгани шундай ютуқларнинг бардавомлигини таъминлаяпти. Негаки, хўжалик юритувчи субъектлар ҳар ойда ўзларида бўшаб қолган иш ўринлари рўйхатини меҳнат бўлимига тақдим этади. Бўлим жамоаси эса барчасини жамлаган ҳолда туман газетасида чоп этади. Мисол учун газетанинг май ойидаги сонларидан бирида 117 та бўш иш ўрни маълум қилинди. Эндиликда Янгийўлда вақтинча ишсиз ўтирганлар газетадаги эълон билан танишиб тўғридан-тўғри ўзини қизиқтирган ташкилотдаги бўш иш ўрни бўйича мурожаат қилиши одатий ҳолга айланиб бораяпти. Аммо, фақатгина бу анъанага таяниб қолинмасдан йилнинг ҳар ойида тумандаги бир фуқаролар йиғини марказида меҳнат ярмаркаси ташкил этилиб келинаяпти. Биз борган куни "Навбаҳор" қишлоқ фуқаролар йиғини марказида навбатдаги шундай меҳнат ярмаркаси уюштирилган экан. У ерда ҳам тумандаги корхоналарда бўшаб қолган, янги очилган иш ўринлари мурожаат қилганларга таклиф этилди. Натижада ўнлаб навбаҳорликлар иш билан таъминланди.

— Фақатгина аҳолини ишга жойлаштириш билан чекланиб қолмаяпмиз, — дейди бўлим бошлиғи Шавкат Мараҳимов.— Балки уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳам вазифамизга киради. Масалан, иш берувчи томоннинг қонунда кўзда тутилган сабабларига кўра, ишдан бўшаган шахслардан неча кундан буён бўш ўтирганлигини сўраймиз. Чунки ўн кун муддат ичида бўлимимизга мурожаат қилса, "Меҳнат кодекси"га мувофиқ ишлаб келган корхонасидан уч ой давомида нафақа бериб турилишини ҳам таъминлаяпмиз. Лекин, тан олиш керак, кўпчилик юртдошларимиз ўзларининг бу ҳуқуқларини яхши билмайди.

Дарҳақиқат, ана шундай ишлар туманда ишсизлик муаммосини бир қадар ҳал қилиш имконини бераяпти. Лекин, булар ҳаммаси эмас, чунки туманда янги корхоналар ишга тушаётгани боис, янги иш жойлари ҳам вужудга келаяпти. Масалан, бултур ишга тушган "Ўзсайджамолтрадинг", "Камолкрасталхожи" каби корхоналар шулар жумласига киради. Уларнинг самараси ўлароқ 2002 йилда 1750 та янги иш ўринлари ташкил этилган бўлса, жорий йилнинг беш ойида бу рақам 699 тага етди. Бошқача айтганда, таклиф ҳам талабга қараб бўлаяпти.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



Норин туманида «Клаина – Текстиль» Ўзбекистон – Литва қўшма корхонаси ўтган йили ташкил этилган эди. Қисқа вақт мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш, уни хорижга экспорт қилиш ҳажми ошди, шунингдек, маҳсулот сифати яхшиланди. Масалан, ўтган йили 328 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот четга жўнатилган бўлса, жорий йилнинг ўтган беш ойида бу кўрсаткич 500 минг АҚШ долларини ташкил қилди. Бундай ютуқларга корхонада замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилганлиги, ишчиларнинг малакаси ошиб бораётганлиги, жамоада изланувчанлик йўлга қўйилганлиги боис эришилмоқда.

***СУРАТДА:** илғор ишчи Нигора Эргашеванинг ҳам эришилаётган муваффақиятларда алоҳида ҳиссаси бор.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

**Газетада босилмади, аммо...**

# Уй хусусийлаштириб берилди



*Бекободлик Фатима Ибрагимова таҳририятимизга йўллаган мактубида марҳум турмуш ўртоғи билан узоқ йиллар «Далварзин» пахта тозалаш заводида ишлаганини баён этган, эндиликда корхонага қарашли уйнинг ўзи истиқомат қилаётган хонадонини хусусийлаштириб олишда кўмак сўраганди. Биз унинг аризасини ўрганиб чиқиш ва зарур чора-тадбирлар белгилаш учун туман ҳокимлигига юборгандик. Шу муносабат билан яқинда қуйидаги расмий жавобни олдик:*

**«Фатима Ибрагимова, ҳақиқатан ҳам, бутун умри мобайнида «Далварзин» пахта тозалаш заводида ишлаган. 1985 йили меҳнат жароҳати олгани туфайли ногирон бўлиб қолган. Ҳозир ўн икки ёшли кенжа қизи билан бирга заводга қарашли 6-уйнинг 12-хонадонида яшамоқда.**

**Жорий йил февраль ойида корхона касаба уюшмаси ва бошқарув раисининг қарорларига биноан Ф. Ибрагимова ушбу хонадонни хусусийлаштириб олишига рухсат теккан. Баҳолаш ишлари якунлангач, туман ҳокимининг 2003 йил 3 июндаги 319-сонли қарорига асосан, унга ногиронлиги назарда тутилиб, ўзи яшаётган хонадон имтиёзли равишда хусусийлаштириб берилди ҳамда уй-жойнинг шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи далолатнома топширилди.**

**М. ШУКУРАЛИЕВ,**
**Бекобод тумани ҳокими.**

# НАЗОРАТ КАССАЛАРИ НАЗОРАТСИЗ ЭМАС

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, авваллари савдо ходимлари ва тадбиркорларнинг аксарияти хуфиёна иқтисодиётнинг энг оддий усулларидан фойдаланишган экан. Яъни, кунлик тушумларни кам миқдорда кўрсатиш мақсадида назорат касса аппарати рақамларини билдирмасдан нолга тушириб қўйиш, харидорга чек ура туриб, ушбу ҳосилани фискаль хотирага киритмаслик йўлларини қўллашган бўлса, эндиликда улар бунинг анчайин мураккаб усулини ҳам ўйлаб топишибди. Бу жараён асосан профессионал компьютер усталари ёрдамида амалга ошириларкан. Улар атиги 50 минг сўм ҳақ эвазига назорат касса аппаратининг сўргичларига умуман қўл теккизмасдан, компьютер орқали унинг фискаль хотирасига истаган миқдорни киритиб бераркан. Натижада бу ишкал сирларини унчабунча текширувчи ҳам то касса аппаратини экспертизадан ўтказмагунча аниқлай олмас экан.

Кузатишларнинг кўрсатишича, одатда бундай қалтис иқтисодий жиноятлар асосан йирик, анча ривожланган ва кунлик товар айланма маблағлари бирмунча юқори бўлган фирма, компания ва бошқа ташкилотлар томонидан амалга ошириларкан. Бундан мақсад нақд пул тушумларини яшириш, солиқчиларга даромадни кам кўрсатишдан иборатдир.

Яқинда Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси ходимлари "Карвон-Сергелиавто" ижара мажмуасидаги 11 F 2-блокнинг 25- дўконида чакана савдо билан шуғулланаётган тадбиркор Геннадий Железновнинг фаолиятини текширишди. Тадбиркор фойдаланаётган назорат касса машинасининг хотираси кўздан кечирилганда, 1942820 сўм миқдоридаги нақд пулни кирим қилинмаганлиги аниқланди. Бу ҳам етмагандек, у мунтазам равишда 800 минг сўм миқдоридаги нақд пулни инкассация қилиб келган. Аммо текшириш ўтказилган кун нақд пул тушуми уч миллион 802 минг 600 сўмни ташкил этди. Шундан сўнг назорат касса машинаси олиниб, экспертизага жўнатилгач, унга ноқонуний процессор қўйилганлиги маълум бўлди.

Худди шунингдек, ушбу мажмуадаги 3 F 4 – блокнинг 1-дўконида фаолият юритаётган Сирожиддин Зокиров фаолияти ҳам ўрганилганда, унинг кунлик савдо тушуми 200 минг сўмдан зиёд бўлишига қарамасдан, у мунтазам равишда 60 минг сўмдан ортиқ миқдорда савдо пули топшириб келган, холос. Бу ҳам етмагандек, 2099500 сўм миқдоридаги эҳтиёт қисмлар кирим ҳужжатларига киритилмаган.

Айни чоғда ҳар иккала ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғатилган. Мақсадимиз нафақат бебилиска жиноятга қўл ураётган тадбиркорларнинг кирдикорларини фош қилиш, балки бу қилғиликлардан иқтисодиётимиз қанчалик зарар кўраётганлиги хусусида сўз юритишдир. Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 23 майдаги "Назорат касса машиналаридан фойдаланишда жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори айнан ана шундай ноқонунийликларнинг олдини олишга қаратилгандир.

**Қарор ва ижро**

Айтиш лозимки, мазкур қарор ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат бўлиб, у эндиликда бундай қонунсизликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Унда таъкидланишича, **"... аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар фискаль хотирага хизмат кўрсатиш дастури бузилган ҳолда техник талабларга мувофиқ бўлмаган назорат касса машиналаридан фойдаланган тақдирда, улардан солиқ органлари томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорида, қоида бузиш такрорланганда эса – энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдорида жарима ундирилади"**. Шунингдек, қарорда жарима қоида бузувчи томонидан тўланмаган тақдирда, суд ижрочилари айбдор шахснинг мол-мулки ҳисобидан ундирилиши ҳам таъкидланган.

Кўриниб турибдики, якка тартибдаги ва юридик шахслар зиммасига назорат касса аппаратлари билан боғлиқ тартиб-қоидаларга қатъий амал қилишдек улкан масъулият юкланаяпти. Бундан, албатта тадбиркорлар ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишлари лозим.

Шу ўринда «Ҳукуматимиз тадбиркорларга нисбатан нега бундай қаттиқ талабни қўйишга мажбур бўлдийкин?» деган савол пайдо бўлиши мумкин. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг: тадбиркор миллионлаб сўм даромад қилсаю, унинг жуда кам қисмини кассага кирим қилса, асосий даромадни солиқдан яширса. Бунинг устига бундай нопок тадбиркорлар орамизда бир-иккита эмас, ўн минглаб кишиларни ташкил қилса, иқтисодиётимизга бунинг қанчалик зарар келишини тасаввур қила оласизми? Ачинарлиси, бу ишкаллик орқасидан қанчадан-қанча нафақа, стипендия ва иш ҳақлари ўз вақтида тўланмай қолишини кўз олдингизга келтира оласизми?

– Шулардан келиб чиқиб, республика Солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда мавжуд касса аппаратларини экспертизадан ўтказиб беришни зиммамизга олганмиз, – дейди "Фотон" ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Маъруф Саидумаров. – Бу борада корхонамиз мутахассислари катта тажрибага эга. Улар фискаль хотира билан боғлиқ ҳар қандай қинғирликларни қисқа дақиқаларда аниқлаб бера оладилар. Бундан ташқари, ходимларимиз экспертлик ишлари билан шуғулланибгина қолмай, касса аппаратларига техник хизмат кўрсатишни ҳам йўлга қўйишган.

Бироқ ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бугунги кунда республикамизда назорат касса аппаратлари етишмовчилиги муаммоси ҳалигича ўз ечимини топганича йўқ. Олинган маълумотларга кўра, айни чоғда мамлакатимизнинг назорат касса аппаратларига бўлган йиллик эҳтиёжи 30 минг донани ташкил этаркан. Корхонамиз ана шу талабнинг тўрт минг донасини ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ҳисобидан қоплайди. Яна тўрт минг донадан зиёдроқ қисми четдан келтириладиган касса аппаратлари эвазига қопланади. Бундан кўриниб турибдики, касса аппаратларга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қоплаш учун ҳали кўп иш қилишга тўғри келади. Ўтган йили Ҳамдўстлик давлатларига 900 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилишга эришдик. Ишлаб топган валютамизнинг бир қисмига четдан телевизор учун кинескоплар ва касса аппаратлари учун фискаль хотиралар харид қилдик. Албатта бу жуда ҳам кам. Шунинг учун бу йил экспорт ҳажмини янада ошириш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган касса аппаратлари миқдорини янада кўпайтиришни мўлжаллаяпмиз.

Азиз тадбиркорлар, назорат касса аппаратлари билан ишлашда қинғир йўлни қўллаш эзгу интилишларингизга доғ туширади. Бу йўл билан давлатни, халқни, демак, ўзингизни алдаган бўласиз. Шундай экан, савдода ҳалол-пок ишлаганга нима етсин!

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

### Бош вазирга талаб



Германия Федерал канцлери Герхарт Шредер Италия бош вазири Силвио Берлусконидан кечирим сўрашни талаб қилди. Канцлернинг айтишича, у анча "ҳаддидан ошиб кетган". Берлускони ўзининг шу ҳафта Европа Парламентида қилган маърузасида Германия қонунчиларини "Нацистлар концентрацион лагери соқчилари"га қиёслаган эди.

Cable News Network.

### ОИТС фалокати

Дунёдаги энг кўп аҳолига эга бўлган давлатлар ҳисобланмиш Хитой ва Ҳиндистон ОИТС фалокатига дуч келиши мумкин. Бу мамлакатларда ВИЧ вируси минтақалар бўйлаб жуда чуқур тарқалмоқда. "Хитой ва Ҳиндистондаги аҳвол бундан 10 йил олдинги Африка ҳолатини эслатади", дейди АҚШнинг Касалликни назорат қилиш ва олдини олиш маркази директори Жулия Гербердинг. Айни пайтда Хитойда бир миллион, Ҳиндистонда тўрт миллион атрофида ОИТС касаллигига чалинган беморлар рўйхатга олинган.

Cable News Network

### Нафақа 70 ёшдан

Британия ҳукумати ходимларнинг 70 ёшга етмасдан нафақага чиқарилишини тақиқловчи қонунни ишлаб чиқмоқда. Мамлакат раҳбарияти шу йўл билан Европа Иттифоқининг ёшга қараб дискриминация қилишни тўхтатиш ҳақидаги талабини бажаришни ният қилган. Шунингдек, ҳукумат вакилларининг фикрича, ушбу янги тартиб ўрнатилгач, эрта нафақага чиққан ёши катталарнинг фойдаланилмаган салоҳияти оқибатида миллий иқтисодиётга келаётган йиллик 16 миллиард фунт стерлинг зарар ҳам анча камаяди.

British Broadcasting Corporation News.

*"Биз барча инсонлар Парвардигор томонидан бир хил яратилганлиги ва уларга яшаш, озодлик ва фаровонликка интилиш каби тенг ҳуқуқлар берилганлигига таянамиз. Ва ана шу ҳуқуқларни таъминлаш учун ўз ваколатларини ҳеч кимга қарам бўлмаган ҳолда амалга оширувчи ҳукумат тузамиз..."*

4 июль – АҚШ миллий байрами – Мустақиллик куни

# ОЗОДЛИК ВА ДЕМОКРАТИЯ ЎЛКАСИ



Бугун дунёга машҳур Вашингтон музейида сақланаётган қоғозларга бундан роппа-роса 227 йил муқаддам Томас Жефферсон томонидан битилган бу сўзлар Америка Қўшма Штатларининг Мустақиллик Декларациясидан олинган. Дунёдаги энг қудратли давлатлардан бири саналмиш АҚШга мустақиллик бахш этган ушбу ҳужжат 1776 йил 4 июль куни Пенсильвания(Филадельфия штати)да бирлашган, Англия империясига қарши курашаётган 13 мустамлака вакиллари томонидан қабул қилинган эди. Улар ўз олдига **"Нимадан озодлик?"**, **"Нима учун озодлик?"**, **"Ким учун озодлик?"** деган саволларни қўйдилар ва унга мазкур Декларация орқали жавоб топдилар. Худди шу кун америкаликлар томонидан Ер юзида "Америка Қўшма Штатлари" деган давлат бунёд бўлган кун сифатида ҳар йили жуда катта шодиёналар билан кутиб олинади. АҚШнинг миллий мустақиллик куни бўлмиш бу сана биринчи марта 1777 йилда Филадельфия Хавфсизлик қўмитаси раҳбари Томас Вартоннинг ташаббуси билан байрам қилинганди.

Мустақиллик Декларацияси АҚШга ўз чегараларини ўзи белгилаш, ўз халқи тақдирини мустақил ҳал қилиш, алоҳида фуқаролик, сайлов, бюджет, банк, қонунчилик, суд, молия тизимларига эга бўлиш, мустақил армия ва қуролли кучларни тузиш ҳамда ўз давлатини муҳофаза қилиш – хуллас, давлат суверенитетининг барча ҳуқуқларини берди. Мазкур ҳужжатга асосан, Қўшма Штатларнинг барча фуқаролари, унинг ҳудудида яшаётган ҳар бир шахс тенг ҳуқуқларга эга деб эътироф этилди ва давлат бу ҳуқуқлар таъминотчиси, ҳимоячисига айланди. Айнан шу Декларация номидан АҚШ давлати демократия рўёби учун курашга киришди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ўша даврга келиб, дунёдаги бирорта давлатда демократия тамойиллари бу қадар мустаҳкам ўрнатилмаган эди. Бинобарин, халқ ҳокимиятчилигининг давлат миқёсида татбиқ этилиши дастлаб Америка Қўшма Штатларида рўёбга чиқди.



Орадан ўтган асрлар давомида бу ўлка аҳли ўз ниятларида собит турдилар. Қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтиб, бугун жаҳоннинг энг ривожланган давлатларидан бирига айланди.

1775-83 йиллардаги мустақиллик учун кечган қаттиқ жанглардан сўнг мустақил Америка Қўшма Штатлари ташкил топди. 1787 йилда эса дунёдаги энг барқарор Асосий Қонун саналган, бугун ҳам амалда бўлган АҚШ Конституцияси қабул қилинди ва мамлакатнинг илк президенти этиб Жорж Вашингтон сайланди. Ҳа, ўз вақтида машҳур ёзувчи Оскар Уайлд айтганидек, "*Ёшлик – Американинг энг кекса қадриятларидан биридир. Бу қадриятнинг ёши 200 дан ошиб кетди*". XIX асрнинг 20-50-йилларида АҚШ сиёсий майдонида икки устун бўлмиш Республикачилар ва Демократлар партияси ташкил топди. Кейинроқ – 1861-65 йиллардаги фуқаролар уруши, унда Шимолнинг ғалабаси натижасида яна ўнлаб штатлар АҚШга қўшилди ва бу ҳудудларда ҳам қуллик ҳамда эрксизликка барҳам берилди. 1929-33 йиллардаги дунё иқтисодий инқирозидан сўнг Ф.Рузвельт томонидан ишлаб чиқилган "Янги йўл" режаси амалга оширилди ва АҚШ иқтисодиёти бутунлай янгича кўриниш касб этиб, бозор иқтисодиёти ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олди. 1941 йил декабрь ойида Япониянинг Пёрл-Харбор портига ҳужуми билан АҚШ Иккинчи жаҳон урушига қўшилди. Бироқ мамлакат раҳбариятининг, халқнинг қатъияти туфайли бу давлат урушдан энг кам талофотлар билан чиқди. 60-йилларда президент Жон Кеннеди "Янги уфқлар" деб ном олган режани татбиқ қилди. Техника ва таълим тараққиётини кўзда тутувчи мазкур дастур ўз олдига камбағалликни тугатиш мақсадини қўйган эди ва бунга эришилди ҳам.

Қўшма Штатлар бундан минг йил муқаддам бобомиз Абу Райҳон Берунийнинг ўн беш газли глобусида акс этган, Буюк географик кашфиётлар даврида Колумб томонидан кашф этилган Америка қитъасининг шимолида жойлашган бўлиб, улкан географик, табиий ва потенциал имкониятларга эга. Бугунги кунга келиб АҚШ қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, нефтни қайта ишлаш, машинасозлик, автомобилсозлик, самолётсозлик, кимё, озиқ-овқат, ракета-космик технологиялар, электроника, компьютер дастурлари ишлаб чиқариш, чорвачилик, туризм каби хўжалик ва саноатнинг ўнлаб соҳаларида дунёда биринчи ўринга чиқиб улгурди. "*Америка қаерга кетаётганини билмаслиги мумкин. Аммо у бу йўлда тезлик бўйича рекорд ўрнатиши муқаррар*", деб ёзган эди Лоренс Питер.

АҚШ Ватанимизнинг мустақиллик йўлидаги ҳаракатларига бошиданоқ хайрихоҳлик билдирди ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олди. 1996 йилдаги Президентимизнинг АҚШга ташрифи, 2002 ва 2003 йилларда олиб борилган икки томонлама самарали алоқалар ҳосиласи сифатида Қўшма Штатлар билан республикамиз ўртасида Стратегик шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида ўта муҳим шартнома имзоланди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг иккита стратегик ҳамкорларидан бири АҚШдир.

Юқорида тилга олинган Мустақиллик Декларацияси ушбу сўзлар билан якунланган эди: "*...биз – Американинг бирлашган штатлари... бир-биримизнинг гувоҳлигимизда ушбу Декларацияни ўз ҳаётимиз, мол-мулкимиз ва шаънимиз билан қўллаб-қувватлашга, уни асрашга қасам ичамиз*". Неча даврлардан буён бу аҳдга содиқ яшаб келаётган Америка Қўшма Штатларининг фуқароларини, мамлакатимизда ишлаётган, ўқиётган ва меҳмон бўлиб турган барча америкаликларни миллий байрам билан чин қалбдан муборакбод этамиз.

**Ботиржон ҒОФУРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

### Терминатор биринчи ўринда



***АҚШнинг икки ярим мингдан зиёд кинотеатрларида мухлислар томонидан ўн йил кутилган "Терминатор-3: машинанинг тирилиши" кинофильмининг тақдимоти бўлиб ўтди ва дастлабки прокатданоқ кинематографдаги энг йирик миқдор – 4 миллион доллар тўплади. Warner Bros. (Уорнер Брозерс) кинокомпанияси раҳбарларидан бири Дэн Феллманнинг айтишича, машҳур киноактер Арнольд Шварценеггер ижросидаги мазкур фильмдан умид катта ва бу ишонч ҳозирданоқ оқланмоқда.***

Reuters.


**Мулкчилик шаклидан қатъи назар ишлаб чиқарувчи, таъминотчи ташкилотлар, фирмалар ва тадбиркорлар диққатига!**

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

*тендер эълон қилади.*

1. ***103-хўжаликлараро махсус механизациялашган кўчма колонна очиқ акциядорлик жамияти 2003 йил манзулий дастурига киритилган Ўзбекистон туманидаги 15-сон касб-ҳунар коллежини қайта таъмирлаш учун қуйидаги қурилиш материалларини сотиб олади: ёни олинган ва олинмаган тахта материаллари, линолеум, қоплама плиткаси, сувэмулсия бўёғи, олифа, оқ эмал «Белила», фасад бўёғи, пол бўёғи, индивидуал ромлар ва эшиклар, бурчаклик металл < 50, рухланган тунука, қулф, пўлат қувур Д 25-100мм, швеллер 12-14, қайта тикланган 8 секцияли чўян радиатор, италлоркерамика, черепица, арматура Д-12-14, ром ва эшик ручкаси, ручкасиз қулф, эшик ва ром шпингалети, маҳаллий материалдан стропила, ДСП, фанера (береза), алебастр «Исфара», шуруп, 6-8 диаметрли сим, мармар.***

| | |
|---|---|
| **Буюртмачи** | *— 103-хўжаликлараро махсус механизациялашган кўчма колонна очиқ акциядорлик жамияти.* |
| **Манзили:** | *Учкўприк тумани, «Қақир» бекати.* |
| **Телефон:** | *(8-251) 96-2-08.* |

2. ***101-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна очиқ турдаги акциядорлик жамияти 2003 йил манзулий дастурига киритилган Бувайда туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежини қайта таъмирлаш учун қуйидаги ҳар хил қурилиш материалларини сотиб олади: ёни олинган ва олинмаган тахта, пол тахта, линолеум, қоплама плиткаси, металлокерамика плиткаси, олифа, оқ эмал «Белила», фасад бўёғи, пол бўёғи, ҳар хил мойли бўёқ, ромлар, эшиклар, қувур Д-159 мм, 4 бурчакли арматура, Д-10-12ли силлиқ арматура, ҳар хил мих, электрод, сувэмулсия бўёғи, қулф.***

| | |
|---|---|
| **Буюртмачи** | *— 101-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна очиқ акциядорлик жамияти.* |
| **Манзили:** | *Бувайда тумани, Дамариқ қишлоғи.* |
| **Телефонлар:** | *(8-252) 93-4-62, 92-7-71, 92-4-96.* |

3. ***«Қўқон КМК» масъулияти чекланган жамияти 2003 йил манзулий дастурига киритилган Қўқон шаҳридаги 4-сонли махсус мактабни қайта таъмирлаб, касб-ҳунар коллежига мослаштириш учун қуйидаги ҳар хил қурилиш материалларини сотиб олади: оҳак, қоплама плиткаси, керамика плиткаси, Д-5-7 ммли сим, 45х3 пўлат бурчаклик, ёни олинмаган тахта, маҳаллий материалдан стропила, оқ эмал, сувэмулсия бўёғи, пол учун бўёқ, қулф, олифа, фасад бўёғи, линолеум, дераза блоклари, эшик блоклари, пол тахта, ойнали фленкали эшик блоклари, фленкали эшик блоклари, қурилиш гипси, чақир тош (щебень), қум, шағал, мих, 8 секцияли чўян радиатор, пойдевор блоклар, бордюрлар L-1,5м.***

| | |
|---|---|
| **Буюртмачи** | *— «Қўқон КМК » масъулияти чекланган жамияти.* |
| **Манзили:** | *Қўқон шаҳри, Бувайда тумани, Дамариқ қишлоғи.* |
| **Телефонлар:** | *(8-255) 6-70-18, 6-70-19.* |

Молиялаштириш давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар заҳирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Фарғона вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 29-«А»уй**
**(Фарғона вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси биноси).**
**Телефон: 26-82-93, факс: 26-43-19.**

*Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.*

**Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун ўтгандан кейин юқоридаги манзилда ўтказилади.**

7589Н/1444

Ушбу жойда **Сизнинг** рекламангиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги **Реклама** — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 2-қават, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**МАННОН УЙҒУР номидаги**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИ**

**2003/2004 ўқув йили учун қуйидаги таълим йўналишлари бўйича**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

- ДРАМАТИК ТЕАТР ВА КИНО АКТЁРЛИГИ;
- МУСИҚИЙ ТЕАТР АКТЁРЛИГИ;
- ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ АКТЁРЛИГИ;
- ЭСТРАДА АКТЁРЛИГИ;
- ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО РЕЖИССЁРЛИГИ;
- ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ РЕЖИССЁРЛИГИ;
- ЭСТРАДА ВА ОММАВИЙ ТОМОШАЛАР РЕЖИССЁРЛИГИ;
- КИНОТЕЛЕОПЕРАТОРЛИК;
- ТЕАТРШУНОСЛИК;
- САНЪАТШУНОСЛИК-ЖУРНАЛИСТИКА;
- ДРАМАТУРГИЯ;
- КИНО, ТЕЛЕВИДЕНИЕ, РАДИО ВА ТЕАТР ТОМОШАЛАРИ ОВОЗ РЕЖИССЁРЛИГИ.



**Қуйидаги ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади:**

- ректор номига ариза;
- ўрта ва ўрта махсус маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 086 У шаклдаги тиббий маълумотнома;
- 3х4 см ҳажмда 6 дона фотосурат;
- паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

**КОНСУЛЬТАЦИЯЛАР**

- ихтисослик бўйича 5 июлдан 15 июлгача;
- умумий фанлар бўйича 25 июлдан 30 июлгача ўтказилади.

Мутахассислик фанлари бўйича ижодий имтиҳонлар 16 июлдан 22 июлгача ўтказилади.

*Тест синовлари 1 август куни ўтказилади.*

Вилоятлардан келган абитуриентлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишга давлат гранти ҳамда тўлов-шартнома асосида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:
**56-28-80, 56-29-86, факс: 56-28-82.**

**Манзилимиз:**
**Тошкент шаҳри,**
**Ю.Ражабий кўчаси, 77-уй.**

**Мўлжал: метронинг «Космонавтлар» бекати.**

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ**

**«ПАХТА БАНК»и**

барча ҳамюртларимиз учун қулай бўлган «Обод юрт» жамғарма омонатини таклиф этади.



Омонат муддати **6 ой ва 1 йил бўлиб**, муддати ва миқдорига мутаносиб равишда йилига **42 фоиздан 50 фоизгача** даромад тўланади.

Имкониятни қўлдан бой берманг!

**«ПАХТА БАНК» —**

**фаровонлигингиз калитидир!**

